VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

37 (469) ● 2017 йил 3 сентябрь, якшанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Муҳтарам Самарқанд аҳли!

Бугун – 2 сентябрь, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафот этганига бир йил тўлди.

Шу муносабат билан кенг жамоатчилик, жумладан, жонажон Самарқанд аҳли вакиллари билан Ислом акани ёд этиб, у кишининг ёрқин хотирасини абадийлаштириш учун бугунги тадбирда йиғилиб турибмиз.

Барчамиз яхши биламиз, йил давомида бутун халқимиз, шунингдек, кўплаб хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва чет эллик фуқаролар Биринчи Президентимизнинг ўчмас хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар.

Хабарларингиз бор, куни кеча, Мустақиллик байрами арафасида, азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида, Ислом Абдуғаниевич узоқ йиллар фаолият олиб борган Оқсарой қароргоҳи олдида у кишининг ҳайкали очилди.

Бугун эса Биринчи Президентимиз туғилиб ўсган, камолга етган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида Ислом аканинг сиймоси акс этган ҳайкални очаётганимиз эл-юртимизнинг ушбу улуғ инсонга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир амалий ифодасидир.

Ислом Абдуғаниевичнинг улуғвор қиёфаси ёрқин намоён бўлган ушбу ёдгорликда у киши ўзининг донишманд нигоҳи ва меҳр тўла кўзлари билан барчамизга боқиб турибди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич бамисоли ўзи учун беҳад қадрли бўлган шу диёр аҳлини, азиз юртдошларини Мустақиллик ва Ҳайит байрами билан табриклаб, барчамизга самимий тилаклар билдираётгандек.

Ишончим комил, Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкали қад кўтарган мана шу табаррук маскан халқимиз учун, юртимизга келадиган минг-минглаб азиз меҳмонлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланади.

"Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак" деган даъватга бир умр амал қилиб яшаган бу улуғ инсоннинг хотираси, айни пайтда Ҳазрати Хизр мажмуасида барпо этилаётган табаррук зиёратгоҳлари барчамизни эзгу ва хайрли ишларга чорлаб туради.

2-бет

САМАРҚАНДДА ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг барҳаёт сиймоси ёд этилмоқда. 2017 йил 31 август куни пойтахтимизда мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовнинг улуғвор ҳайкали очилган эди. Шундай маросим 2 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирда иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Самарқанд рамзи бўлган Регистон майдони ёнидаги хиёбонда, Ислом Каримов туғилиб ўсган хонадон яқинида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят фаоллари, нуронийлар, ёшлар жам бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, доно ислоҳотчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда катта ҳурмат қозонган эди.

Биринчи Президентимизга хос бўлган букилмас ирода, ватанпарварлик, мардлик ва адолатпарварлик, саммийлик ва меҳрибонлик каби олижаноб фазилатлар барча учун ёрқин ибрат намунаси бўлиб қолди.

Ислом Каримов Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяр, унинг тараққиёти учун жонини ҳам аямасди.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг турмуш ўртоғи Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ислом Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда ғолиб деб топилган ҳайкалларни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш белгиланган эди.

Самарқанд шаҳрида очилган ҳайкал элу юртимизнинг Ислом Каримовга юксак ҳурмати ва меҳр-муҳаббатининг яна бир ифодаси бўлди.

Маросимда "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Ҳ.Нормуродов, "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бош муҳаррири Ф.Тошев, Самарқанд шаҳридаги 43-ихтисослашган мактаб директори Е.Компольшик, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Д.Олимова, Биринчи Президентимизнинг турмуш ўртоғи Татьяна Каримова Ислом Каримов билан боғлиқ хотираларини ёдга олди. Буюк Йўлбошчимизнинг турли синов ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтгани, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, турмуш шароитини янада яхшилаш йўлида тинимсиз меҳнат қилганини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов туғилиб ўсган хонадонга ташриф буюрди. Қуръон тиловат қилиниб, элга эҳсон дастурхони ёзилди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрель куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташрифи чоғида Имом Термизий жомеъ масжидини реконструкция қилиш бўйича топшириқ берган ва Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

2-бет

Туризм — қадриятлар кўзгуси

ҚАРОВСИЗ ҚАДАМЖОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУДУДЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ВАЗИЯТНИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛМОҚДА

Бундан неча асрлар аввал Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк ипак йўли ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Эътиборлиси, бу қадимий йўлнинг чорраҳасида жойлашган юртимиз қадимий тарихга, бетакрор моддий-маданий меросга, тарихий қадамжо, миллий анъана ва қадриятларига эга. Буни юртимизнинг турли шаҳарлари, зиёратгоҳ гўшаларини кўриш учун келаётган чет эллик сайёҳларнинг эътирофи, юз-кўзидаги ҳайрат ифодаси ва таассуротларидан ҳам англаш қийин эмас.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризмни мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт стратегиясининг энг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилган. Зеро, бунинг учун бизда барча асос бор.

Модомики шундай экан, туризмни ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяпмизми? Бу масала ўзининг сайловолди Платформасида туризмни ривожлантиришни асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг назаридан четда қолмаяптими? Мавжуд муаммоларга қандай ечим топиш мумкин?

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжоларининг сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Шу боис, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3-бет

ҲУДУДЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Жиззах вилояти Зарбдор туманига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари "Тошкесган"-фермер хўжалигининг пахта даласини кўздан кечирди. Фермер ва деҳқонлар билан агротехник тадбирларни тўғри ва сифатли амалга ошириш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш хусусида суҳбатлашди.

Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамма нарсани биламиз, деб ўйлаймиз. Аслида биз билмаган нарсалар жуда кўп. Шундай экан, бу борада ўқиш, изланишдан тўхтамаслигимиз, фермерларнинг ўқишини ташкил этишимиз керак. Уларга етук мутахассислар дарс бериши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Жиззах вилоятида пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилди. Вилоятда 481 минг гектар экин майдони бўлиб, унинг 261 минг гектари суғориладиган ерлардир. 12 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг 3 минг 978 таси ғўза парваришламоқда.

Давлатимиз раҳбарига "Ўзпахтасаноат"АЖ томонидан 2017 йилги пахта хомашёсини электрон тарози орқали "Е-тарози" дастурида қабул қилиш ва ушбу жараёнга "Фотофиксация" тизимини самарали жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

"Ўзпахтасаноат"тизимидаги 98 та пахта тозалаш корхонасига қарашли барча пахта тайёрлов масканларида ўтган йили ўрнатилган электрон тарозилар ва кузатув камералари мавсумга шай қилиб қўйилган. 2017 йилги пахта ҳосилини қабул қилишда, шунингдек, пахта қабули кўрсаткичлари бўйича тайёрланадиган ҳисоботлар очиқлигини таъминлаш ҳамда ушбу жараёнда инсон омилини қисқартириш мақсадида замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда.

Бундай ахборот тизимида қабул қилинаётган пахта хомашёси электрон тарози орқали "Е-тарози" дастурида ўлчаниб, пахта ташиб келтирган транспорт воситаси кузатув камералари орқали синхрон тарзда тасвирга олинади, яъни фотофиксация қилинади. Тасвирда сана, транспорт воситасининг рақами, фермер хўжалигининг номи, топширилган хомашёнинг вазни акс эттирилади. Бу ҳосилни қабул қилиш жараёнида моддий жавобгар шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Кунлик қабул қилинган пахта хомашёси тўғрисидаги маълумотлар марказий базага онлайн тарзда киритиб борилади. Бу, ўз навбатида, республика, вилоятлар, туманлар, секторлар (ҳоким, прокурор, ички ишлар ва солиқ идоралари), фермер хўжаликлари кесимида қабул қилинган пахта хомашёсининг марказлашган ҳисоботи шаклланиши тезкорлигини, маълумотлар очиқлигини таъминлаб, терим отрядлари самарадорлигини ҳам таҳлил қилишга замин яратади.

Жорий йилги пахта ҳосилини йиғиб олиш мавсумида барча пахта тайёрлов масканлари лабораторияларига кузатув камералари ўрнатилди. Энди фермерлар ёки уларнинг ишончли вакиллари лабораториядаги иш жараёнини жонли тарзда кузатиш ва овозини эшитиш имконияти эга бўлди.

Пахта тайёрлов масканларида татбиқ этилган "Е-тарози" дастури маълумотлар базасининг "Агробанк" АТБ марказий сервери билан интеграцияси (маълумот алмашинуви) жонли тарзда йўлга қўйилди.

Мутасаддиларга ушбу замонавий тизимни янада такомиллаштириш ва амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Тараққиёт манзараси"фермер хўжалиги дала шийпонида вилоят мутасаддилари, фермерлар билан учрашди.

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳудудларни Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлиш кўзда тутилган.

Президентимиз секторлар фаолияти бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилинмаганини қайд этди.

Тадбирда вилоятда пахта йиғим-терими мавсумини самарали ташкил қилиш, такрорий экинлар мониторинги, қишлоқ хўжалиги соҳасида кутилаётган ҳосил ва даромад, барча тоифадаги хўжаликлар учун 2018 йилда экиладиган сабзавот экинлари ҳамда улардан олинадиган маҳсулот миқдори ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

Доимий комиссияларда

ИККИ ТАКЛИФ, ИККИ ҚАРОР

ИЖРОСИ ЭСА ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг бу борадаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудлардаги кўплаб муаммолар депутатлик сўровлари, доимий комиссиялар ҳамда сессияларга олиб чиқилаётган таклиф, ташаббус-масалалар орқали ҳал этилаётгани фикримиз далилидир.

Партия гуруҳлари ҳудудларда кузатилаётган энг долзарб масалаларга масъул ташкилотлар мутасаддиларининг эътиборини қаратиш, бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этишда доимий комиссиялар ваколат ва имкониятларидан унумли фойдаланишга интилмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи таклифи билан "Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари" бўйича доимий комиссия йиғилишида икки масала муҳокама этилди. Яъни, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вилоятдаги ижроси бўйича тегишли мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди, мавжуд муаммолар таҳлил этилди, уларнинг ечими бўйича таклифлар, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

3-бет



"MILLIY TIKLANISH" — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



MILLIY TIKLANISH
37 (469) 2017 йил 3 сентябрь, якшанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ислом Абдуғаниевичнинг тарих ва келажак олдидаги буюк хизматларини таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, бугунги Самарқанд, бугунги Ўзбекистоннинг гўзал ва обод қиёфаси, халқимиз эришаётган барча-барча ютуқлар у кишининг ана шундай тарихий хизматларини бамисоли кўзгудек яққол намойиш этиб турибди.

Биринчи Президентимиз ўтган асрнинг 90-йилларида кескин муаммолар, миллатлараро можаролар гирдобига тушиб қолган юртимизни ўзининг юксак раҳбарлик салоҳияти, жасорат ва матонати билан мудҳиш фожиалардан омон сақлаб қолди, Ватанимизни катта тараққиёт йўлига олиб чиқди. Бу йўлда ўзининг куч-ғайрати, ақл-заковати, билим ва тажрибасини аямади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, том маънода қаҳрамонлик ва фидойилик намунаси бўлиб, тарихимизда мангу муҳрланиб қолади.

Биз барчамиз, бутун халқимиз ҳақли равишда Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом ака билан фахрланамиз, у киши бошлаган ишларни мутлақо янгича миқёс ва талаблар асосида давом эттиришни ўзимиз учун юксак бурч ва масъулият деб биламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биринчи Президентимиз бутун Ўзбекистонимиз каби, унинг бебаҳо гавҳари бўлган Самарқанд заминини ҳам фарзандлик меҳри билан чин дилдан севар эдилар.

Самарқандни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига, ҳақиқатан ҳам ер юзининг сайқалига айлантириш Ислом аканинг юксак орзуси эди.

У киши шу йўлда қисқа муддатда улкан ишларни амалга оширганларини сиз, муҳтарам Самарқанд аҳли яхши биласиз, албатта.

Ислом ака дунё миқёсида "Римнинг тенгдоши" деб тан олинган Самарқанддек буюк шаҳарнинг шаъну шавкатига, ўзига туз-насиба берган бу замин аҳлига, унинг ишончига доимо муносиб бўлиб яшади.

Биз эл-юртга садоқат, чинакам ватанпарварликнинг олий намунасини ҳурматли Йўлбошчимизнинг ўз она шаҳрига чексиз муҳаббатида, бунинг амалий намоёни бўлган катта-катта ишларида кўрамиз.

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимизни, мустақиллигимизни, тинч ва обод ҳаётимизни севиш ва қадрлашни, ўз юртимизга меҳр-муҳаббатни биз улуғ Юртбошимиздан ўрганганмиз.

Биринчи Президентимиз мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрини тубдан обод қилиш, унинг тарихий ва замонавий қиёфасини уйғунлаштиришга қаратилган улкан ишларга бевосита раҳбарлик қилди.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш, Шоҳи Зинда зиёратгоҳи, Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати Хизр масжидини таъмирлаш, обод қилиш, янги уй-жойлар, майдон ва хиёбонлар, ижтимоий ва маданий объектлар қуриш ишларида Ислом аканинг беқиёс ҳиссаси борлигини, ишонаман, Самарқанд аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуслари билан 2007 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ санаси ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонлангани тарихимизда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Куни кеча мана шу муаззам Регистон майдонида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўз ишини катта муваффақият билан якунлади.

Дунёнинг турли қитъа ва минтақаларидаги 60 га яқин мамлакатдан келиб, ушбу анжуманда иштирок этган атоқли сиёсат ва маданият арбоблари, машҳур санъат намояндалари бундан йигирма йил олдин бу фестивалга асос солган Биринчи Президентимиз хотирасига чуқур ҳурмат билдириб, у кишининг хизматларини миннатдорлик билан таъкидлаганлари, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли ватандошлар!

Роппа-роса бир йил аввал бошимизга оғир қайғу ва мусибат тушган ташвишли кунларда дунё аҳли биз билан ҳамдард бўлиб, Биринчи Президентимизнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатгани ғоят мушкул дамларда бизга катта мадад берди.

Насиб этса, келгуси йил январь ойида Ислом Абдуғаниевич таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаймиз.

Ана шу қутлуғ сана муносабати билан Самарқанд шаҳрида, Биринчи Президентимиз абадий ором топган масканда у кишининг шон-шуҳратига муносиб тарзда бунёд этилаётган улуғвор ва муҳташам мақбара мажмуаси ҳам очилади. Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳам муҳташам ҳайкал барпо этилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич **"Бу ҳаёт, бу умр Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетади, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди"** деган чуқур маъноли сўзларни такрор ва такрор айтар эдилар.

Бугун Ислом аканинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, амалга оширган хайрли ишларини эслар эканмиз, бу фикрлар аввало у кишининг ўзларига тўла дахлдор эканини таъкидламоқчиман.

Миллий мустақиллигимизнинг асосчиси муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг сўнмас хотирасига қўйилган энг буюк ҳайкал – бу мустақил ва суверен, эркин ва озод Ўзбекистон давлатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун, мана шу муборак Ҳайит айёмида барчамиз Оллоҳ таолодан азиз Ислом акамиз, меҳрибон устозимизнинг охиратларини обод этишни сўраймиз.

Мен аминман – биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада обод ва фаровон қилиш учун қанчалик фидойилик ва қанчалик садоқат кўрсатиб меҳнат қилсак, у кишининг руҳлари шунчалик шод бўлади.

Бугун азим Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимизнинг улуғвор ҳайкалини очаётган эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: биз – ҳаммамиз, эгаллаб турган вазифамиз, касбимиздан қатъи назар, ўзимиз фаолият кўрсатаётган соҳада Ватанимизга, халқимизга, Биринчи Президентимизга доимо муносиб бўлишимиз керак.

Бу борада сиз, азиз Самарқанд аҳли доимо ибрат ва намуна бўласиз, деб ишонаман.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч ва ғайрат, оилавий бахт тилаймам.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Туркия халқи ва ўз номидан давлатимиз раҳбарини ва кўп миллатли Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ва муборак Қурбон ҳайити билан чин дилдан табриклади.

Ўзбекистон Президенти самимий табрик учун чуқур миннатдорлик билдириб, барча мусулмонларнинг муборак байрами муносабати билан Туркия раҳбари ва қардош турк халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилади.

Икки давлат раҳбарларининг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ва жорий йил май ойида Пекин шаҳрида бўлиб ўтган самарали учрашувлари барча соҳаларда ўзаро муносабатларнинг янада фаоллашувида муҳим аҳамият касб этаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар жадаллашгани, ўзаро ишончга асосланган амалий руҳдаги сиёсий мулоқот ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичда ривожланмоқда..

Бугунги кунда ўзаро савдо-сотиқ ҳажми барқарор ошиб бораётгани кузатилмоқда. Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида замонавий юқори технологияли корхоналар ташкил этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кўлами сезиларли даражада кенгайди, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқалар ривожланмоқда.

Давлатлар раҳбарлари бўлажак олий даражадаги учрашувлар икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ва ҳар томонлама Ўзбекистон – Туркия шериклигини чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислом маданияти маркази номини Ислом цивилизацияси маркази, деб ўзгартириш таклифини билдирди.

Лойиҳага кўра, ушбу марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилган.

Биз аждодларимиз билан доимо фахрланиб келганмиз, деди давлатимиз раҳбари. Шундай экан, ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлишимиз керак. Ташкил этилаётган марказда ҳам бунинг учун барча шароитларни яратиш, етук олимларни жалб қилиш лозим. Мазкур соҳага оид адабиётларни жамлаш, чет элларда бўлса, юртимизга олиб келиш чораларини кўриш зарур. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги диний йўналишдаги тўққизта ўрта махсус ва иккита олий таълим муассасаси ҳам марказ ихтиёрига ўтказилади. Бу ерда сабоқ берадиган ўқитувчилар билими ва савиясига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Шавкат Мирзиёев марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратди.

Бу марказ бизнинг ислом дини тарғиботидаги юзимиз бўлади. Шундай экан, унинг ташқи кўриниши, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Одатдаги, кўзимиз ўрганиб қолган лойиҳалардан воз кечиб, янги шакл ва дизайн топишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳаларда марказ қурилиши муносабати билан бошқа жойга кўчириладиган аҳоли учун барпо этиладиган янги замонавий уй-жойлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

Президентимиз давлат ва жамоат ташкилотлари, Мусулмонлар идораси раҳбарияти, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА мухбири

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва Сизнинг тимсолингизда қардош ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Туркманистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги барча йўналишлар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатлар юқори даражада эканини ва бу алоқалар изчил ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлайман. Мамлакатларимизнинг давлатлараро мулоқотни янада кенгайтиришга бўлган қатъий ёндашуви халқларимиз манфаатига мосдир.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва янада фаровонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан ўзим ва Озарбайжон халқи номидан самимий муборакбод этаман.

Қардош Ўзбекистоннинг мустақиллик ва давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил бораётгани, ижтимоий-иқтисодий ва маданият соҳаларида эришаётган муваффақиятлари бизни ғоят қувонтиради.

Озарбайжон ва Ўзбекистонни азалдан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатларимиз халқларимиз иродаси билан бундан буён ҳам ривожланиб, янада мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва барча Ўзбекистон мусулмонларига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий тилакларимни йўллайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида давлат раҳбари лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизга Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни йўллайман ва Ўзбекистон халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.

Сиз каби мен ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдориман ҳамда Франция тимсолида устувор шерикни кўраётганингиздан мамнунман.

Сўнгги ойларда Франция ва Ўзбекистон муносабатларида янгича суръат кузатилмоқда. Хусусан, бу жорий йил бошидан буён мамлакатларимиз ўртасида уч марта юқори даражада делегациялар ташрифи амалга оширилгани самарасидир. Бунда шахсан Сиз фаол иштирок этаётганингиздан хабардорман ва буни юксак қадрлайман. Сиз Самарқанддаги лойиҳа юзасидан имзолаган қарор Франция тараққиёт агентлигига мамлакатингизда ўзининг илк муҳим фаолиятини амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун Сиздан миннатдорман.

Сиз билан дастлабки амалий музокараларимизни ўтказиш учун Парижда учрашишдан хурсанд бўламан. Мазкур учрашув давлатларимиз терроризм ва иқлимнинг глобал ўзгариши каби умумий муаммолар билан тўқнаш келган бир пайтда сиёсий мулоқотимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу учрашув, шунингдек, иқтисодий алоқаларимиз ривожига янги куч бағишлайди.

Шу билан бирга, маданият ва таълим соҳаларидаги ўзаро муносабатлар ҳам катта истиқболга эга. Хусусан, Луврда кўргазма ташкил қилиш лойиҳаси, Тошкент шаҳридаги француз мактаби фаолиятини ривожлантириш, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида "Француз альянси" филиалларини очиш истиқболларини назарда тутаяпман.

Сизнинг дўстлик муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларимизни фаол қўллаб-қувватлашингизга ишонаман.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Эммануэл МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Япония Императори **Акихито**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид**

Швеция Қироли **Карл Густав XVI**

Венгрия Президенти **Адер Янош**

Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чан Дай Куонг**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Португалия Республикаси Президенти **Марсело Ребело де Соуза**

Греция Республикаси Президенти **Прокопис Павлопулос**

Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**

Япония ҳукмрон Либерал-демократик партияси Бош котиби **Тошихиро Никаи**

Европа парламенти депутати **Фульвио Мартушелло**

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили **Питер Буриан**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ИБРАТ САБОҒИ

2 сентябрь куни мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан Билимлар куни тадбирлари бўлиб ўтди.

Шу куни барча мактабларда истиқлолимизнинг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "Мустақиллик дарси" ҳамда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" ўтказилди. Ушбу дарсларга адиб ва шоирлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари кенг жалб этилди.

Бундан йигирма олти йил муқаддам она Ўзбекистонимизнинг янги тарихий даврга қадам қўйиши, халқимиз учун эркин, фаровон, ҳур ва озод даврнинг бошланиши буюк давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг суюкли фарзанди, мард ва қатъиятли инсон, Буюк Йўлбошчимиз Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган чорак асрликдан кўпроқ вақт мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Ўзбекистонни дунё тан олди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик, ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари, таклифларини пухта ўрганиш, уларга таянган ҳолда иш кўришга тизимли ёндашилмоқда. Айни жиҳатларни халқимизнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида 10-синфларнинг ташкил этилгани, ўқувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж, академик лицейларда таълимни давом эттириши учун яратилган шароитларда кўриш мумкин.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, 10-11-синфлар учун янги ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, улар асосида 18 номдаги дарсликлар яратилди. Ўқув режага кўра 10-синф ўқувчилари ҳафтада беш кун умумтаълим фанларини ва бир кун касбга оид фанларни ўрганиши белгиланди. Педагог кадрларга бўлган эҳтиёж олий ўқув юртлари битирувчилари, академик лицей ва коллежлар фан ўқитувчиларини жалб этиш ҳамда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг дарс юкламасини ошириш ҳисобидан қопланмоқда.

Бу йил 482 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлаш жараёнида улардаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини пухта ўрганиш, мавжуд камчиликларни маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этишга жиддий эътибор қаратилди.

Ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш мақсадида бу йил ахборот-ресурс марказлари ва умумтаълим мактаблари кутубхоналарига 28 номдаги 1,2 миллион бадиий адабиётлар, энциклопедиялар ва ранг-баранг маърифий китоблар етказилди.

Бу йил 1-синфларга қабул қилинган 650 мингдан ортиқ ўқувчи учун "Президент совғаси" – 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди. Улар мактабга илк марта қадам қўйган ўғил-қизларга тантанали топширилди.

...Барча таълим масканларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 153-мактабда ҳам илк сабоқ самимий руҳда бўлиб ўтди. Ўқувчиларга Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, бугунги ҳур ва озод, бахтиёр кунларимиз не-не машаққатли ва оғир синовлар, мураккабликлар эвазига қўлга киритилгани кенг ва атрофлича тушунтирилди.

– Бугунги ёшларга бундай тинч ва осуда, фаровон, тўкин, саодатли ҳаёт одатий ҳолдек туюлади, – дейди мактаб директори Фотима Эргашева. – Ваҳоланки, истиқлолимизни қанчадан-қанча аждодларимиз орзу қилган. Ёруғ кунларимиз Биринчи Президентимиз, халқимизнинг қатъий азми шижоати, машаққатли меҳнати, қийинчиликларни мардона енгиб ўтгани эвазига келганини ёшларга оддий, самимий тарзда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириш, ёш авлодда шукроналик, Ватанимизга, аждодларимизга муносиблик, масъулият туйғуларини шакллантириш педагогларнинг инсоний, касбий, ҳам фуқаролик бурчи саналади.

Ўқувчилар билан самимий мулоқот тарзида ўтказилган "Мустақиллик дарс"ларида истиқлолимизнинг тарихий, маънавий асослари, бу йўлда кўрсатилган чинакам маънавий жасоратлар, Ватанга садоқат, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилишдек эзгу интилишлар Биринчи Президентимизнинг ибрат бўлишга арзигулик ҳаёт йўли, фаолияти мисолида баён этилди. Улуғ инсон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильм ўғил-қизларнинг Ватан, истиқлол, тарихий қаҳрамонлар ҳақидаги фикрини янада теранлаштирди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Туризм — қадриятлар кўзгуси

ҚАРОВСИЗ ҚАДАМЖОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУДУДЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ВАЗИЯТНИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛМОҚДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги. "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизни том маънода туризм марказига айлантириш, бу борадаги ишларни кескин жадаллаштиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам ЎзМТДП фаолиятига баҳо бериб, партиянинг туризм соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталди: ""Миллий тикланиш" партиясини олсак, у



миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Аммо партия амалда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш юзасидан етарлича фаоллик кўрсата олмаяпти. Ушбу партиядан сайланган депутатларимиз, мисол учун, аэропорт ёки вокзалларга, божхона постларига бориб, туристлар учун қандай шароитлар яратилганини ўрганиб, мавжуд ҳолатни яхшилаш юзасидан амалий таклиф ва ташаббуслар билан чиқяптими?"

Ҳақли савол. Дарҳақиқат, ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятида бу масалани чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилмади. Тўғри, қатор партия гуруҳлари ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш масаласини маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаббус сифатида олиб чиқиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Лекин бу қарорлар ижроси назоратдан четда қолган. Демак, бу борада партия олдида ҳали талай вазифалар турибди.

Шу ўринда савол туғилади: ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бу масалага айни пайтда қай даражада эътибор қаратмоқда?

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида вилоятимиздаги маданий мерос объектларининг бугунги кундаги ҳолати ва уларни сақлашга доир лойиҳалар тақдимоти билан ҳам танишганди, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро инспекцияси ҳамда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Акбар Муҳамедов. — Мазкур учрашувда давлатимиз раҳбари маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчанинг бурчи эканини алоҳида таъкидлаб, соҳа мутахассислари ва уста-қурувчиларга зарур кўрсатмалар берди. Ушбу кўрсатма ва вазифалар маданий, тарихий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида сақлаш ва қайта таъмирлаш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ҳамда уларни сабаб бўлди. Ўртага ташланган қатор ўринли таклиф-тавсиялар асосида вилоятдаги барча маданий мерос объектларига биттадан ташкилот бириктирилиб, уларни ободонлаштириш, кадастр ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва таъмирлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Президентимизнинг видеоселектор йиғилишидаги ўринли танқиди эса бизни бу борада янада масъулият билан ишлашга, аниқ ташаббусларни илгари суришга ундади. Соҳадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, улар ечимини ҳал қилишга кўмаклашиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Жиззах замини ўзининг бой тарихи, қадимий осори-атиқалари, ўтмиш ёдгорликлари, бетакрор табиати билан соҳа ривожида муҳим ўрин тутади. Вилоятда 29 тарихий ёдгорлик, маданий мерос объекти давлат рўйхатига олинган. Аммо уларнинг барчасида ҳам аҳвол талаб даражасидами? Тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар хорижий меҳмонлар ва маҳаллий аҳолини қабул қилишга нечоғлик тайёр?

— Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фориш туман кенгаши томонидан мавжуд маданий объектлар, муқаддас зиёратгоҳлар ҳамда туризм соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятини ўрганиш, соҳада учраётган муаммоларни аниқлаш, уларга ечим топиш, шунингдек, партия қошида "Экотуризм ҳаракати"ни ташкил этиш мақсадида ўрганиш ишларини олиб борди, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби Улуғбек Мустафоев. — Ўрганишлар давомида "Ухум" маҳалла фуқаролар йиғини Асраф қишлоғида туризмнинг "Уй меҳмонхонаси" тури бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркор Раҳмат Шарипов билан учрашув ташкил этилди. "Уй меҳмонхонаси"даги туристлар учун яратилган шароит ва қулайликлар кўздан кечирилди. Бу ерда айни вақтда 5 иш ўрни яратилган. Учрашувда Р.Шарипов бу соҳани янада ривожлантириш, янги лойиҳаларни ишга тушириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш ниятида эканлигини айтиб ўтди. Тадбиркорни партиянинг Фориш туман кенгаши ташкил этган "Экотуризм ҳаракати"га жалб этиб, кейинги иш фаолиятини бевосита партия билан ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олдик.

Шу куни "Эгизбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини Қоратош қишлоғидаги Хўжабоғбон ота зиёратгоҳида ҳам ўрганиш ишлари олиб борилди ва қатор камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди.

Зиёратгоҳ иш юритувчиси Уйғун Жониқулов ҳамроҳлигида бу ердаги ҳолат ўрганилганда атроф муҳит санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермаслиги, иш фаолияти аниқ тизим асосида ташкил этилмаганлиги, ишчи ҳодимларнинг ойлик маошлари графиклаштирилмаганлиги, ишчиларга шу кунга қадар тўлиқ меҳнат дафтарчаси ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Зиёратгоҳ ҳудуди умуман қаровсиз ва назоратсиз қолдирилган. Зиёратга келувчи маҳаллий аҳоли ва туристлар учун сервис хизмати йўқ ҳисоби. Тарихий қадамжо тўғрисида маълумот берувчи мутахассис йўқ, уларни кутиб олиш ва маданий мерос тарихини акс эттирувчи бино таъмирталаб аҳволга келиб қолган.

Бу эса партиянинг Жиззах вилоят кенгаши олдида ушбу йўналишда кечиктириб бўлмас вазифалар турганлигини кўрсатади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи депутатлари жонбозлик кўрсатиши ва шу орқали депутатлик назоратини кучайтириши ҳудудда туризм соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ана шундагина ЎзМТДП томонидан илгари сурилган мавжуд маданий ёдгорликлар, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш борасида амалий натижаларга эришиш мумкин.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши фаоллари ҳамда депутатлар ҳам шу каби ўрганишларни амалга оширди.

— Президентимизнинг видеоселектор йиғилишидаги маърузасида туризмни ривожлантириш ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида партиямиз суст фаолият кўрсатаётгани танқид қилинди, — дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Зафар Аланов. — Ушбу танқидий фикрлар туризм марказларидан бири, маданий мероси, қадимий тарихи билан дунё аҳлини хайратга солиб келаётган Самарқанд вилоятидаги партия ташкилоти учун айтилгандек бўлди, назаримизда. Ушбу маърузадан сўнг бу борада жиддий ва ҳаётий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳалар тайёрлашга киришдик. Масалан, "Пресстур" лойиҳаси доирасида Каттақўрғон шаҳридаги XVII асрга тегишли бўлган Абдуҳакимбой ёдгорлиги фаолияти ўрганилди. Мажмуада қатор муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланди. Шаҳарнинг кириш қисмида жойлашган мазкур меъморий ёдгорликнинг олд қисмида тадбиркорлар томонидан темир бозори ташкил қилинган. Орқа томонидан Каттақўрғон канали оқиб ўтмоқда. Бино ўта таъмирталаб ҳамда хароба кўринишда. Ёдгорлик санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Партия томонидан ушбу маданий ёдгорликни давлат муҳофазасига олиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан дастлабки ташкилий ишларни амалга ошириш бўйича Каттақўрғон шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилинди.

Самарқанд шаҳридаги йирик маҳаллалардан бири Сўфи Оллоёр номи билан аталади. Партия вакиллари мазкур маҳалла марказидаги "Кўктош" зиёратгоҳи фаолиятини ўрганди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу қадамжога турли ҳудудлардан дардига шифо истаб келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Ўрганишлар давомида зиёратгоҳда қатор камчиликлар аниқланди. Партия фаолларининг кейинги манзили XIX асрга тааллуқли бўлган масжид бўлди. Мазкур масжид ҳам қаровсиз ва ташландиқ ҳолатда бўлиб, бу ерни алоҳида ўрганиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Бу каби ўрганишлар ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида амалга оширилмоқда. Аммо партия ташкилотлари ва гуруҳлари аэропорт, вокзал ва божхона постларида туристлар учун яратилган шароитларни ўрганишда сусткашликга йўл қўймоқдалар. Бу борада депутатлардан амалий ишларни кутиб қоламиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзлик

ЎЗ ТАРИХИ БИЛАН ФАХРЛАНМАЙДИГАН ХАЛҚНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЙЎҚ

...Ҳар тонг уйқудан уйғониб, деразамни очаман. Яқин атрофдаги новвойхонадан димоғимга иссиқ нон ҳиди урилади. Беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг машҳур сатрлари ёдимга келади: "Жаннатларнинг атри шу ерда, бу Ватандан ўзга Ватан йўқ"...



Ҳа, она юрт, ота макон, киндик қони тўкилган тупроқ, бизни аждодлар билан боғлаган ришталар ҳақида қанча кўп билсак, Ватанни шунча теран англаймиз.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихини чуқур ва холисона тадқиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида буюк аждодларимизнинг тарихдаги ўрни, халқимиз олдидаги хизматлари, бой маънавий илмий мероси қадр топмоқда. Дарҳақиқат, аждодлар хотираси, ўтган кунлар сабоғи эса ҳар бир инсонни тўғри йўлга бошлайди. Бугунги тинчлик-осойишталик, эркин ва фаровон ҳаёт барча юртдошимизни шукроналикка, буюк неъматларнинг қадрига етишга ундайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ" тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакиллари, "Исломобод", "Кўкча" маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамкорликда "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "Ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқнинг истиқболи йўқ!" мавзусида байрам тадбири ташкил этди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларнинг Ватанимиз тарихини англаши, пухта ўрганиши учун рағбат уйғотиш, уларга кимларнинг авлоди эканимизни англатиш, халқимизнинг бетакрор маданий, маънавий, тарихий меросини онгу қалбига сингдиришни долзарб вазифа деб билади, — деди партия шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Акмал Рўзитоев. — Партия ташкилотлари ўтказаётган бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган юксак маънавиятли ва ахлоқли, масъулиятли ва соғлом авлодни тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, мазкур саъй-ҳаракатлар халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келажак авлод ўртасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёш авлод миллий давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихини, унинг асосида тикланган янги ўзбек давлатчилигини ривожлантиришнинг ҳозирги принципларини чуқур ўрганиши, аждодларимизнинг жаҳон илмий тафаккури ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини теран англаб етишида ўзига хос ўрин тутади.

Дарҳақиқат, истиқлолга қандай машаққат ва йўқотишлар эвазига эришилгани, мустақиллик ва эркинлик нақадар азиз неъмат эканлиги барчамизга маълум. Озодлик халқимизга бахтли яшаш учун барча шароитни яратиб берди. Мустақиллик туфайли халқимизнинг ўлмас қадриятлари — ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик хислатлари янгича маъно касб этди. Ҳар биримиз шонли тарихимиздан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу халқимизнинг бой тарихий, маданий, маънавий мероси, буюк аждодлари, танти ва меҳмондўстлиги, бағрикенглигида намоён бўлади.

Шунингдек, тадбирда Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов хотирланди. Истиқлол йилларида эришган ютуқ ва натижаларимиз ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида эътироф этилиши таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида шу кунларда Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Тадбирда фуқароларда тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг буюк тарихий аҳамиятини англаш каби фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Доимий комиссияларда

ИККИ ТАКЛИФ, ИККИ ҚАРОР

ИЖРОСИ ЭСА ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишда дастлаб "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун меъёрларининг Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги ижроси таҳлил этилди. Айтиш керакки, вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларида ҳам мурожаатлар билан ишлаш самарали йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Мурожаатларни қабул қилиш бўйича масъул шахслар белгиланмагани бунинг асосий сабабларидан бири экани таъкидланди. Шу боис муассасаларда бу бўйича масъул ваколатли кишиларни белгилаш, бунинг учун махсус таркибий бўлинмалар ташкил этиш, фуқароларни қабул қилувчи мансабдор шахслар масъулиятини ошириш, айниқса, жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишда белгиланган вақтларни аниқ кўрсатиш, унга қатъий риоя этиш лозимлиги қайд этилди.

— Ушбу масалани доимий комиссияга олиб чиқишдан кўзланган мақсад фуқаролар мурожаатлари эътиборсиз қолмаслигини таъминлашдан иборат, — дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Комилжон Зайнобиддинов. — Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Фуқаролар, айниқса, тиббий хизмат масаласида кўп мурожаат қилади. Кези келганда айтиш керак, бу борада нафақат оддий одамлар, балки депутатларнинг юборган сўровлари, мурожаатларига ҳам тегишли мутасаддилар томонидан тайинли жавоб берилмаслиги каби ҳолатлар учраб туради. Шу боис аҳолининг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, уларга ўз вақтида жавоб қайтариш жуда муҳим. Бу эса, ўз навбатида, шикоят ёки аризада кўрсатилган муаммони тезкорлик билан ўрганиш, бартараф этишга хизмат қилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 130 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг аксариятини малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли даволаниш учун ордерлар олиш каби масалалар ташкил этади. Ушбу мурожаатларга асосан вилоятдаги тиббиёт муассасаларига 130 нафар врач ва 155 нафар ҳамшира ишга қабул қилинган. Бироқ ҳали соҳадаги муаммоларга буткул барҳам берилгани йўқ. Шу боис мавжуд муаммолар бўйича тегишли мутасаддилар, депутатлар томонидан қатор таклифлар ўртага ташланди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида қарор қабул қилинди. Унга кўра, жисмоний ёки юридик шахслар мурожаатини назоратга олиш, бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида тегишли мутасаддиларга маълумотлар тақдим этиш кераклиги таъкидланди. Вилоятдаги соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари сайёр қабуллар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги белгиланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари ҳисобот берди. Шундан сўнг вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган таклифлар ўртага ташланди. Бу борада якка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориш, ота-оналар ҳамда маҳалланинг ўрни ва ролини ошириш кераклиги таъкидланди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ёш авлодни баркамол, етук инсон қилиб вояга етказиш, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларни халқимизга ёт ва инсон онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Садбархон Мамитова. — Шу маънода доимий комиссия йиғилишига олиб чиқилган ҳар икки таклифимиз дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросига қаратилган. Зеро, муҳокама этилган қонунлар ижроси аҳоли фаровонлигини юксалтириш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, ёшларнинг таълим-тарбияси, иш билан бандлиги, оилалар фаровонлиги, жамият равнақи ва мамлакат тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Йиғилиш қарорида партия гуруҳимиз таклифи тўлиқ ўз аксини топди. Бу, ўз навбатида, ҳам мавжуд муаммолар ечимига, ҳам дастурий мақсад-вазифаларимиз рўёбига хизмат қилади.

Партия гуруҳи икки қонун ижросини ўрганиш орқали мавжуд муаммоларни мутасаддилар эътиборига ҳавола этди, уларнинг ечими бўйича таклифларини билдирди. Энди эса йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун унинг ижросини қатъий назоратга олиш, тегишли мутасаддиларнинг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш, масъул идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш керак бўлади. Агар муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаса, уни такрор бўлсада маҳаллий Кенгаш сессиясида атрофлича муҳокама этиш лозим. Чунки депутат фаолияти мезони амалий ишлар билан ўлчанади. Бугунги давр ҳам, халқ вакиллари зиммасидаги масъулият ҳам айнан шуни талаб этмоқда.

А. МЕНГЛИМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

БОЗОРНИНГ ЖОЙИ ҚАЕРДА?

КЎЧАДАМИ Ё МАХСУС ЖОЙДА?

... Ишдан сўнг "Чилонзор" метро бекатидан чиқиб, дўстимни бироз кутиб қолдим. Ён-атроф гавжум: кимдир ишдан қайтаяпти, яна кимдир менга ўхшаб ҳамроҳини кутаяпти, шошганлар қанча...

Шу пайт баланд овоздан чўчиб кетдим.

— Иссиқ нон! Иссиқ тандир нони!

Қараб турсам, шундоқ ёнгинамда бир йигит нон сотишни бошлаб юборди. Шундан сўнг ён-атрофга эътибор билан назар ташладим. Биздан сал нарида кўчанинг юзида нондан ташқари турли хил ҳўл мева, маккажўхори, пиширилган хасип ва калла почча, тайёр хамир, хуллас, бозорда бўлиши шарт бўлган деярли барча нарса муҳайё. Аввалига шу яқин атрофдаги бирор бозор таъмирланаётган бўлса, уни метро ёнига кўчириб келишибди-да, деган хаёлга бордим. Кейин билсам, кечки пайт ҳар куни шу аҳвол такрорланар экан. Унга "кечки бозор" ёки "кўча бозори" деб ном ҳам берилибди...



Озиқ-овқат "раста"сидан ўзи учун алоҳида жой ҳозирлаб олган йигитнинг тахлам-тахлам дискларни ёйиб олиб, бемалол бозор қизитаётгани ҳаммасидан ошиб тушди. Унинг коллекциясидан кўнглингизга хуш келган ҳар қандай кинофильмни топишингиз мумкин экан. Буни "тадбиркор" йигитнинг ўзи айтди...

Қизиқишим тобора ошиб, дўстим билан анча қолиб кетдик. Бозор эса авжида. Кўпчилик харидорлар бекорга бу ерга келишмас экан, деб ўйладим. Тўғри-да, ҳамма ўзига қулай бўлган йўлни танлайди. Шундоқ бекатдан чиқади-да, йўлида учраган керакли маҳсулотни харид қилиб, манзилига давом этади.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "бозор" сўзига "савдо қилинадиган махсус жой" дея таъриф берилади. Биз сўз юритаётган бу "бозор"лар учун эса ҳеч қандай махсус жой ажратилмаган: йўл ва йўлакларнинг шундоқ устида жойлашган.

Шарқ бозори қадимдан дунё аҳлини ҳайратга солиб келган. Буни элчи ва савдогарларнинг тарихий манбаларда битилган битиклари, қўлёзма ва эсдаликлари ҳам яққол тасдиқлайди. Бундай қизиқиш ва ҳавас бугун ҳам сўнмаган. Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларда тарихий ёдгорликларимиз, бозорларимиз катта таассурот қолдирмоқда.

Бозорларимиз қиёфаси кун сайин чирой очиб бораётир. Шарқнинг азал қадриятларини ўзида мужассам этиб, бугунги замон нафаси уфуриб турган замонавий савдонинг барча талабларига жавоб берадиган бозорларимиз сони ва салмоғи мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари рўйхатидан ўрин олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 27 март куни қабул қилинган "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазкур соҳа ривожида пойдевор бўлаётир.

***

Агар эътибор берган бўлсангиз, сўнгги икки-уч йил ичида пойтахтимиздаги кўчалар кенгайди, маҳаллалар, кўпқаватли турар жой бинолари янада чирой очди. Кўча ёқаси, кўпқаватли турар жойга туташ бино ва маҳаллаларда ўзбошимчалик билан қуриб олинган турли хил бино ва иншоотлар қурилишига қарши тадбирлар кучайди. Бунинг натижасида ноқонуний қуриб олинган, архитектура талабларига жавоб бермайдиган кўплаб бинолар, савдо дўконлари, ошхона, кафе ва ресторанлар бузиб ташланди. Ноқонуний фаолият тури билан шуғулланиб келаётган кишиларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Ана шундан сўнг кўчаларимиз кенг, маҳаллаларимиз янада обод қиёфа касб этди.

Нега бу ҳақда эсладик? Чунки агар кўча-кўйда, дуч келган жойда юқоридаги каби "бозор"лар пайдо бўлиб қолаверса, унга қарши чора-тадбир кўрилмаса, бу ҳолат урчиб кетиб, бутун шаҳарга тарқалиши ҳеч гап эмас.

Кейинги ўрганишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, айниқса, соат кечки 9-10 дан кейин аксарият дўконлардан нон топиш амри маҳол бўлиб қолар экан. Буни кўпроқ пойтахтимизнинг Юнусобод, Яшнобод, Сергели туманларида учратиш мумкин. Шундай пайтда "кўча бозори"га эҳтиёж туғилади. Бунга йўл қўймаслик учун эса мутасадди ташкилотлар туманлардаги аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган кунлик эҳтиёжини ўрганиб, унинг таъминоти юзасидан тегишли чоралар кўрмоғи лозим бўлади.

— Баъзан метродан чиқиб, кўча юзидаги маҳсулотлардан олиб турардим, — дейди таржимон, контент-менежер Мухтор Абдуллаев. — Бир сафар ярим тайёр маҳсулот харид қилиб, афсусланганман. Яроқлилик муддати ўтиб кетган экан. Хайрият, соғлиғимга жиддий зарар етмади. Шундан сўнг бундай маҳсулотлар харидидан тийилганман.

— Инсон биринчи галда ўз соғлиги ҳақида қайғуриши керак, — дейди ўқитувчи Адиба Носирова. — Тўғри ва тартибли, ишончли озиқ-овқат маҳсулотлари хариди ҳамда истеъмоли ҳақидаги тушунчаларни ҳар бир ота-она тарбиянинг бир қисми сифатида фарзандларига уқтириб бориши зарур. Агар биз ўз соғлигимизга мана шундай жиддий муносабатда бўлсак, соғлом авлод тарбиясида яна бир муҳим қадам ташлаган бўламиз. Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, деб бежиз айтилмаган-ку?..

***

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлигига зарар етказувчи омилларнинг биринчиси нотўғри овқатланиш бўлса, иккинчиси истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни тановул қилиш экан. Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилар чоғимиз озгина ҳафсала ва вақтимизни аямасак, ҳам ўзимиз, ҳам оила аъзоларимиз соғлиғи учун катта иш қилган бўламиз. Яқин атрофдаги бозор, дўкон ва супермаркетларга кириб, ўзимизга керакли бўлган маҳсулотлар хариди учун ошиб борса, 10-15 дақиқа вақтимиз кетади, холос. Бу қисқа вақт бизнинг узоқ умр кўришимизда қанчалик аҳамиятли эканлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик.

— Касаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмлар ёки улар ишлаб чиқарадиган токсинлар, заҳарли кимёвий моддалар ва заҳарли ўсимликларнинг овқат орқали организмга тушиши овқатдан заҳарланишни келтириб чиқаради, — дейди республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири Қамариддин Боқиев. — Инсон яхши сақланмаган, узоқ муддат туриб қолган, белгиланмаган жойда, хавфсизлиги кафолатланмаган ҳолда сотилаётган озиқ-овқат, салқин ичимлик, қандолат маҳсулотлари ва фрезерли юмшоқ музқаймоқларни истеъмол қилиш орқали заҳарланиши мумкин. Тўғри, сотилаётган маҳсулотнинг яроқлилик муддати ўтмагандир. Лекин унинг нотўғри сақланиши, қуёш нурида туриб қолиши сифат бузилишига олиб келади.

...Метро ёнидаги бу ҳолатни кейинчалик шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам кузатдик. Бунинг учун масъул ички ишлар ходимлари ва давлат солиқ идоралари вакилларининг рейд ўтказиб, кўча савдогарларини қувиб юрган ҳолатига ҳам гувоҳ бўлдик. Бироқ негадир шундан сўнг ҳам кўча савдогарлиги камаяётгани йўқ. Демак, бунинг қонуний ва самарали механизмини топиш ва жорий этиш керак.

— Шу йилнинг 1 июнига қадар давлат солиқ идоралари ўтказган назорат тадбирларида ноқонуний савдо, умумий овқатланиш шохобчаси ташкил этиш ва бошқа фаолият билан шуғулланаётган 7,4 минг нафар жисмоний шахсга нисбатан чоралар кўрилиб, ҳуқуқбузарлардан умумий қиймати 2,9 миллиард сўмлик 9,7 минг дона маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Назарали Норбоев. — Бундан ташқари, 6 минг ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ҳужжатлар суд органларига юборилди.

Сергели, Чилонзор бозорлари, Юнусобод туманидаги "Универсам" деҳқон бозори атрофида ҳам "кечки бозор"ларни кузатиш мумкин. "Қўйлиқ" деҳқон бозори атрофи (бозор ҳудудидан ташқари)да кеч бўлишини кутиш ҳам шарт эмас. Чунки куннинг исталган вақтида борсангиз кўча бозорига дуч келасиз. Бу ер бошқа "бозор"ларга нисбатан бой ва хилма-хил. Озиқ-овқат, яхна ичимлик, мева-чева, эсталик совғалар, телефон учун аксессуар ва қувватлагичдан тортиб, кийим-кечакни тур-тури билан эрта тонгдан то хуфтонга қадар харид қилишингиз мумкин.

Бозор тугагач, турли хил маҳсулот чиқиндилари, сотилмай қолган мева-чевалар шундоқ кўча юзида қолдириб кетилади. Аслида шаҳримиз ободлиги, унинг кундан кун чирой очишига ҳар биримиз бирдек масъул бўлмоғимиз керак эмасми? Чиқиндилардан чиқаётган заҳарли моддалар тўғридан-тўғри ён-атрофга тарқалмоқда. Тўғри, бу кам фоизли заҳарли моддалардир, бироқ дарёнинг ҳам томчилардан ҳосил бўлишини унутмаслигимиз лозим.

Биз бу билан кимларнидир ёмонотлиқ қилмоқчи эмасмиз. Марҳамат, ким савдогарчилик билан шуғулланмоқчи бўлса, бозор маъмуриятига учрашсин. Агар ўша заҳоти жой топилмаса, бир оз кутсин. Жой топилгач, зарур ҳужжатларни тайёрлаб, савдо учун патент олсин-да, бемалол савдо қилаверсин. Бунинг учун мамлакатимизда барча шароит мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинди.

***

Дейлик, сиз ўз томорқангизда етиштирган маҳсулотингизни сотмоқчисиз. Бунда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 13 январдаги қўшма қарорига илова тарзда 2017 йил учун Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари асосида бозорда савдо қилишингиз, бунинг учун бир марталик тўловни амалга оширишингизнинг ўзи кифоя. Бунда сиздан талаб қилинадиган ягона ҳужжат бозорга келтирган маҳсулотингиз чиндан ҳам ўз томорқангизда етиштирилганлигини тасдиқловчи маҳаллангиз тақдим этадиган маълумотномадир.

Ёки, сиз бозорда ҳўл мевалар сотиш билан шуғулланмоқчисиз. Ўзимизда етиштирилган ҳамда чет элдан келтирилган ҳўл мевалар учун битта ўрин бир кунга Тошкент шаҳрида 3 400 сўм, вилоятлар марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 2 300 сўм, туманларда эса 1250 сўмни ташкил этади. Бундан равшан бўладики, савдо ҳажмини ҳисобга олмаганда, кўчадаги "савдогарлар" бозорда тартиб-қоида асосида фаолият юритаётган сотувчидан ўртача ҳисобда 3 минг сўм кўп даромад қилар экан. Ана энди ўйлаб кўринг. Ўртача 3 минг сўмлик тўловдан қочиб, кишилар саломатлиги ва шаҳримиз ободлигига путур етказиш қанчалик тўғри? Мана шу тўловни амалга ошириб қўйиб, бозорнинг салқин ва сўлим жойидан бир ўрин олиб, савдо қилганга нима етсин. Қолаверса, бугунги бозорларимизда нафақат харидорга, балки сотувчига ҳам барча қулайлик ва шароит яратиб берилган. Телевизор-радио дейсизми, иситиш-совутиш, шамолпуркагич дейсизми — бари муҳайё.

Шуниси аниқки, йўл юзида сотилаётган маҳсулотлар, у хоҳ қуруқ ва ҳўл, хоҳ тайёр



озиқ-овқат маҳсулоти бўлсин, ишончли эмас. Чунки уларнинг сифат сертификати йўқ. Шундай экан, қандай шароитда тайёрланганини билмай туриб тановул қилинган маҳсулот саломатлигимиз учун хавфдан бошқа нарса эмас.

Фикримизни халқимизнинг осон келган нарса осон кетади, деган ибратли нақли билан якунламоқчимиз. Соликлардан, бозор тўловларидан қочиб, ноқонуний савдо йўлини танлаш эртага яхшигина жаримага сабаб бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак. Бундан ташқари, фуқаролар саломатлиги, шаҳримиз ободлиги учун барчамиз бирдек ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бу, аввало, кундан кун чирой очиб бораётган шаҳримиз кўркамлигига, давлатимиз қонунларига амал қилишга, фуқаролик бурчимизни бажаришимизга хизмат қилади. Қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ижтимоий соҳадаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ватанпарварлик — олий қадрият

Мамлакатимизда замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ, профессионал ҳарбий мутахассисларга эга миллий армиямиз барпо этилиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш шон-шараф ишига айлангани юртимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда юксак самаралар бермоқда.

ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ШАРАФЛИ ИШ

Самарқанд шаҳрида 28 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва бу борадаги долзарб вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округи қўшинларида жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, тарбиявий ишлар ушбу белгилаб берилган вазифалар талаблари асосида амалга оширилмоқда.

...Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизматни ўтаётган аскарлар, зобитлар ва сержантлар ҳузуридамиз. Улар билан суҳбатимиз ўз-ўзидан соҳа вакиллари олдига қўйилган вазифалар, тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга бориб тақалди.

— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган сайёр видеоселектор йиғилишида



бевосита иштирок этиб, биз ҳарбийлар ҳаётига алоҳида эътибор қаратилаётганидан бениҳоя мамнун бўлдик, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, катта сержант Улаш Бердиев. — Давлатимиз раҳбари мудофаа қудратимизни янада мустаҳкамлашда ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, жанговар тайёргарлиги баробарида маънавий салоҳияти юксалиши, ностандарт вазиятларда тезкор қарорлар қабул қилиши, хорижий тилларни мукаммал билиши, замонавий технологияларни мукаммал ўзлаштирган бўлиши жуда муҳимлигини алоҳида қайд этди. Айниқса, Сурхондарё — республикамизнинг мудофаа дарвозаси экани, бу ерда хизмат қилаётган ҳарбийлар энг намунали бўлиши кераклигини таъкидланди. Мен гуруҳ командири сифатида Президентимиз ва халқимиз билдирган ишончни оқлаб, юртимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини асрашга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч эканини чуқур англаган бу йигитларнинг кўзларидаги шижоат, ғайрат, ишонч сизга ҳам юқади. Ватанпарварликка, Ватаннинг муносиб ҳимоячиси бўлишга интилиш йигитларимизни янада ўктам кўрсатмоқда. Аслида бу тарбия хонадонларимизда фарзанд туғилиши билан бошланади. Қадриятларимиз асосидаги ота-онага, Ватанга садоқатли бўлиш шараф ва улкан бурч эканлиги уқтирилади. Айниқса, оила аъзоларидан бирининг ҳарбий хизматга бориши ва у ердан ҳарбийча либосларда улғайиб қайтиши яқинларнинг кўз ўнгида муҳим бир ҳақиқатни намоён этади. Яъни, армия сафларида бўлган йигит том маънодаги юрт ҳимоячиси ва халқнинг меҳрига лойиқ фарзанд. Унга ҳамма ҳавас билан қарайди, жажжилар улардек бўлишни орзу қилади. Мана шу манзаранинг ўзидаёқ катта ибрат сабоғи мавжуд.

— Бугун мамлакатимизда ҳар бир йигитнинг орзуси, аввало, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишдир, — дейди оддий аскар Шавкат Амирсаидхон Авазхон ўғли. — Мен ҳам юртимизнинг ана шундай бахтиёр фарзандлари қаторида эканимдан фахрланаман. Аждодларимиз ҳоки ётган муқаддас заминнизни ташқи таҳдид ва хатарлардан қўриқлаш, бунёдкор халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш дунёдаги энг шарафли иш эканини ҳарбий хизмат даврида янада теран англамоқдаман. Бу ерда жисмонан чиниқдим, маънан юксалдим, етарли билим ва кўникмага эга бўлдим. Президентимизнинг куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Ватан равнақи, юртимизнинг келажаги ёшларнинг қўлида, биз биринчи навбатда ёшларимизнинг қалбида, уларнинг юрагида ватанпарварлик туйғусини уйғотишимиз керак. Агар уларнинг юрагида ҳақиқий ватанпарварлик туйғуси бўлса, ёшларимизнинг кўзлари ёниб турса унда биз кўзлаган мақсадимизга эришибмиз", деган сўзларини тинглаб, янада тўлқинланиб кетдим. Келгуси ҳаётимни шу соҳа билан боғлаб, ҳаётимни Ватан ҳимоясига бағишламоқчиман.

Сайёр видеоселектор йиғилишида Президентимиз белгиланган стратегик мақсадларимизга эришиш ва уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишда ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, ўз Ватанига содиқ, юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини давлат томонидан кафолатлаш каби вазифаларни амалга ошириш ҳал қилувчи ва асосий омил саналашини таъкидлади.

Ўз ҳаётини ҳарбийлик касби билан боғламоқчи ёхуд олий ҳарбий маълумот олиш истагидаги ёшларимиз сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Жорий йилдан бошлаб мамлакатимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ёшларни босқичма-босқич ва мақсадли тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган лицей ва коллежлар фаолиятини ташкил этиш бўйича илк қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қуролли Кучлар соҳасини ислоҳ этиш бўйича 2017 йил 24 январдаги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятидаги Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ва Термиз давлат университети қошидаги 1-академик лицейда махсус хоналар ва ўқув бинолари реконструкция қилинди. Махсус гуруҳларга эса шу йилда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 322 ўқувчи ўқиш истагини билдирган. Бу мамлакатимиз миқёсидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб турибди.

Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш, унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, миллий армиямиз сафига ҳар томонлама бақувват, маънавий етук ёшларни сафарбар этиш устувор вазифалардан саналади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари сафарбарлик топшириқларининг бажарилишида Сурхондарё вилояти ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари соҳага доир қонунлар ва белгиланган Низом талаблари асосида туман, шаҳар ҳокимликлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб, мазкур соҳада ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган янги турар-жой бинолари барпо этиш ва ҳарбийларимиз узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира сотиб олишини кўзда тутадиган ҳарбий хизматчилар учун ҳар йили кўп қаватли турар-жой бинолари қуриш дастури тасдиқланди. Сурхондарё вилоятида шу йилнинг ўтган даврида 110 нафар ҳарбий хизматчининг оилалари учун уйлар топширилди. Йил якунига қадар яна 32 хонадонни топшириш учун сўнгги пардоз ишлари олиб борилмоқда. Режага мувофиқ 2017-2021 йиллар мобайнида Термиз шаҳрида яна 15 кўп қаватли турар-жой биноси қурилиб, 270 нафар ҳарбий хизматчи оиласи уй-жой билан таъминланиши кўзда тутилган.

— Миллий армиямиз тинчлигимиз ва миллий суверенитетимизнинг муҳим кафолати ҳисобланади, — дейди ҳарбий қисм командири Анвар Кошназаров. — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг видеоселектор йиғилишида белгилаб берган вазифалари биз учун дастуриламалдир. Айниқса, ҳарбийлар оилаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий муҳофазада бўлиши ҳақидаги фикрлари барча ҳарбийларни янада мамнун этди. Бундан кейин ҳам ўз ишимизда юксак масъулият билан тинчлигимизни таъминлашдек шарафли вазифага бор куч ва билимимизни сафарбар этамиз. Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, барча соҳаларда улкан юксалишга эришилаётган экан, бу бутун халқимизнинг ютуғидир. Бу бизни ягона мақсадга — юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга ундайди.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

“ШОВОТ ТЕМИР БЕТОН” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган серқуёш диёримиз аҳолисини Ватанимиз

мустақиллигининг

26 йиллик

байрами билан самимий табриклайди.



маҳсулот сертификатланган

“Навбаҳор пахта тозалаш” МЧЖ жамоаси

26 йиллик

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан

барча юртдошларимизни

қизғин муборакбод этади.

ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМИЗ СИЗЛАР УЧУН!

маҳсулот сертификатланган

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни муборак

Қурбон ҳайити

билан самимий қутлайди.

Ушбу муқаддас кунларда сизларга эзгу амаллар ёр бўлишини, хонадонларингизга тўкин-сочинлик, қут-барака тилаб қоламиз.



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

маҳсулот сертификатланган

Бизнинг шарҳ

КЎНГИЛОЧАР БАЙРАМНИНГ КЎНГИЛСИЗ ТОМОШАСИ

ёхуд буқалар "пойга"си

Шу йилнинг 5 июлида Испаниянинг Памплона шаҳри кўчаларида бир қанча фуқаро бошига буқа шохини тақиб намойишга чиқди. Улар ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Сан-Ферин фестивалининг ҳаяжонли мусобақаси — Энсьеррони бекор қилинишини сўраб, норозилик билдирди. Намойишчилар шаҳар маъмурияти биноси олдида "буқалар жангини тўхтатинглар!" дея хитоб қилган кўйи юзларига қизил кукун сепишга тушиб кетди. Бу беҳуда қон тўкилишига норозилик эди.

Сан-Фермин аслида қандай байрам? Бугун испан жамоатчилиги эътирози ва норозилигига сабаб бўлаётган Энсьерро мусобақасини уюштиришдан мақсад-муддао не?

Шарҳимиз давомида бунга атрофлича тўхтатиб ўтамиз.

Испаниянинг қадимий шаҳарларидан бири Памплонада ҳар йили 6-14 июль кунлари анъанавий тарзда Сан-Фермин фестивали ўтказилади. Фестиваль XIII асрда шаҳарни вабо касаллигидан асраб қолган архиепископ Муқаддас Фермин шарафига саккиз асрдан буён уюштирилади. Ўша кунлари унинг хотираси ёд этилади. Аввалига диний тусда нишонланган байрам вақт ўтиши билан халқ сайлига айланиб кетди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган Памплона шаҳрига эрамиздан аввалги 70-йилларда Рим қўмондони Помпей томонидан асос солинган. Шаҳарнинг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Машҳур америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй 1923 йилда Сан-Фермин фестивалида илк бор иштирок этиб, ундан катта таассурот олади. Байрамдан илҳомланиб, "Қуёш барибир чиқаверади" ("Фиеста") романини ёзган. Бу асар 1926 йилда чоп этилиши билан Памплона ва бу ерда ўтказиладиган мазкур фестиваль дунёга машҳур бўлиб кетади. Натижада шаҳарга сайёҳлар оқими кескин ошди. Памплона ва у билан боғлиқ қадимий анъаналарни дунёга машҳур қилган Хемингуэйнинг шарафига шаҳарнинг "буқалар жанги" ўтказиладиган аренаси қаршисида унинг бюсти ўрнатилган.

Сан-Фермин фестивалининг очилиш маросими мамлакат телевидениесида жонли эфирда намойиш этилади. Байрам 6 июль куни куннинг ярмида шаҳар маъмурияти биноси айвонидан туриб махсус мушак — "чупинасо"ни отишдан бошланади. Ўша куни шаҳар бўйлаб мусиқали концерт, спектакль, қўшиқбозлик ва ниқоблар паради уюштирилади. Байрам кунлари шаҳар кўчаларида шу қадар кўп томошабин тўпланадики, меҳмонхоналарда бўш ўрин топишнинг ўзи амримаҳол. Шу боисдан одамлар кўчаларда ётиб қолишга мажбур бўлади.

Байрамнинг энг ҳаяжонли қисми — бу одамлар ортидан қувиб етиши учун буқаларни бўшатиб юборилиши. Фестивалнинг бу томошаси Энсьерро (испанчада "бекинмоқ") деб аталади. Сан-Фермин фестивали доирасида ҳар куни эрталабдан шаҳар аҳолиси ва сайёҳлар оркестр мусиқаси садоси остида буқалар жойлаштирилган қўра томон юриб келишади. Мамлакат вақти билан соат 9 да мушак отилганидан сўнг қўра эшиги очилиб, 12 буқа шаҳарнинг махсус тўсиқлар билан ажратилган тор кўчаларидан бирига йиғилган, ўзини қаҳрамонлик кўрсатишга чоғлаб, ҳароратли пойга завқини туйишни мақсад қилиб келган юзлаб одамлар ортидан қўйиб юборилади. Иккинчи марта отилган мушак буқаларнинг барчаси кўрани тўлиқ тарк этганини билдиради. Буқалар махсус зотли бўлиб, уларнинг оғирлиги 600 килограммгача бўлади. Улар коррида мусобақалари учун алоҳида жанговар тайёргарликдан ўтказилган. Пойга кўра билан коррида мусобақаси ўтказиладиган арена ўртасидаги 875 метрли масофада уюштирилади.

"Қувлашмачоқ"қа рухсат берилгунча томошабинлар бехатар жойлар — уйнинг томлари, подъезд соябонлари, киоскалар, ҳатто чироқ устунлари устига чиқиб оладилар. Оқ кўйлак кийган ва бўйнига қизил боғич тақкан исталган одам пойгада иштирок этиши мумкин. Иштирокчилар одатда қўлларига газета ушлаб олишади. Уни мутолаа қилиш учун эмас, албатта. Гап шундаки, тажрибали чопағонлар ўралган газета воситасида унга яқин турган иштирокчига ташланишга ҳозирланадиган, кўзи қонга тўлган буқанинг эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Агар буқа чалғиб, унинг ўзига ҳужум қилишга чоғланса, шериги ҳам худди шундай ёрдам қўлини чўзиши керак.

Буқа одамлардан тез чопади. Шу боис иштирокчиларнинг 875 метрли масофани тўлиқ босиб ўтиши осон эмас. Одамлар шуни ҳисобга олиб, буқага чап бериб, уни ўтказиб юборишга ҳаракат қилади. Буқа одамларга етиб олса, ҳеч кимни аяб ўтирмайди: йўлига дуч келган одамни жароҳатлайди. Кўпроқ маст одамлар унинг "нишони"га айланади. Шу боис шаҳар маъмурияти бир неча бор уни тақиқлаш ташаббуси билан чиққан. Бироқ жамоатчиликнинг қистови билан пойга 1867 йилда Сан-Фермин фестивалининг бир қисмига айлантирилган.



Шу билан бирга, пойга билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг олдини олиш учун унда иштирок этиш қоидалари ишлаб чиқилди ва матбуотда эълон қилинди. Унга кўра, пойгада фақат 18 ёшга тўлган фуқароларнинг иштирок этишига рухсат берилган. Соғлиғи кўтармайдиган одамларнинг унда қатнашишига изн берилмайди. Иштирокчилар полиция ходимлари ўрнатган ҳудуд чегарасидан ўтиб кетиши, уларнинг талабларига бўйсинмаслигига йўл қўйилмайди.

Югураётган пайтда газетадан бошқа бирор-бир нарсани қўлга олишга рухсат берилмайди. Бошқа иштирокчиларнинг йўлини кесиб ўтиш ёки тўсиш, туртиш, турли йўллар билан буқаларнинг асабига тегиш мумкин эмас. Агар иштирокчилар йиқилиб тушса, ўрнидан турмаслиги керак: буқалар ўтиб кетгунича бошини ушлаган кўйи ётиши шарт. Чунки буқа ётган одамни топтаб ташламайди, унинг устидан сакраб ўтади. Жароҳатланган одамга иштирокчилардан бирининг ёрдам бериши тақиқланган. Улар билан тиббиёт ходимлари шуғулланиши лозим.

Ана шундай қоидалар ишлаб чиқилганига қарамай, 1910 йилдан буён ушбу пойгаларда 16 киши халок бўлган. Пойга билан боғлиқ ўлим ҳолати сўнгги бор 2009 йилда қайд этилган. Қолаверса, ушбу мусобақаларда қанчадан-қанча одам жароҳатланмоқда. Улар орасида чет эл фуқаролари ҳам бор. Боиси, улар бундай мусобақаларда иштирок этиш тажрибасига эга эмас. Шунга қарамай, Памплона шаҳрида ўтказиладиган мазкур пойга ҳамон одамларни ўзига жалб қилаётир. Устига-устак жароҳат олганлар орасида унда яна бир бор иштирок этишга жазм қилувчилар топилади. Испанлар уларни "афисьонадо", яъни "бекинишга мубталолар", деб атайди.

Буқалар шу тариқа финиш — аренага ҳайдаб келинади ва кечқурун ўтказиладиган коррида мусобақаларигача сақлаб турилади. Корридада буқа ва матадор юзма-юз жанг қилади. Коррида бир неча соат, халқ сайли ярим тунгача давом этади. Эртаси куни байрам худди шундай тарзда давом этади. Шу тариқа байрам тўққиз кун фестиваль доирасида очиқ майдонларда концерт ва театр томошалари, фольклор фестиваллари ўтказилади. Кечқурун мушакбозлик авж олади. Байрамнинг сўнгги кунида Памплонанинг асосий ибодатхонасида диний расм-русмлар адо этилиб, кўчада йиғилган одамлар байрамга бағишланган қадимий мадҳияни куйлай бошлайди.

Энсьерро ҳам, коррида ҳам ҳеч бир жиҳати билан инсонпарварлик, ботирлик тамойилларига тўғри келмайди. Бир неча дақиқалик завқ-шавқни деб инсонлар ўз жонини хавф остига қўймоқда. Коррида мусобақаларида матадорлар қанчадан-қанча буқаларни ўлдираётгани ҳайвонларни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг эътирозига сабаб бўляпти. Шунга қарамай, бу эрмакка бутунлай чек қўйилмаяпти. Сабаби у шаҳарда туризмни ривожлантириш, ундан мўмай даромад олишнинг муҳим омилига айланган.


Маълумотларга қараганда, фестивални томоша қилиш, мусобақада бевосита иштирок этиш учун хорижий мамлакатлардан Памплонага ҳар йили 1-3 миллион сайёҳ ташриф буюради. Аҳолиси 200 мингга яқин бўлган шаҳар учун бу жуда катта кўрсаткичдир. Қолаверса, маҳаллий халқ мазкур мусобақаларни миллатнинг ўзлигини намоён этувчи, миллий қадриятларини кўрсатувчи восита деб билади.

...Шу йилнинг 6-14 июль кунлари Памплонада навбатдаги Сан-Фермин фестивали ўтказилди. У бу сафар ҳам беталафот ўтмади. Энсьерронинг сўнгги кун мусобақасида олти киши жароҳат олди. Жабрланганлар шифохонага етказилди. Улардан бири боши ва курагидан жиддий жароҳат олган бўлса, яна бирининг қўли синди. Қолган жабрланганларга камроқ зарар етди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

"TESLA" ХОДИМЛАРИ УЙЛАРИГА ҚУЁШПАНЕЛЛИ ТОМЛАР ЎРНАТМОҚДА



Компания бу синов орқали ходимларнинг меҳнатини мукофотлашга ва янги технологияни амалда қўллаб кўришга қарор қилган. Компания асосчиси Илон Маск биринчилардан бўлиб ўз уйига электр энергияси тўпловчи қуёш черепицасини ўрнатиб, ишчиларига ўрнак бўлди. Шундан сўнг бошқарувчи лавозимидаги ходимлар ҳам шундай йўл тутди.

Электр энергияси тўплай олувчи илк қуёш черепицаси ўтган йили тақдим қилинган эди. "Tesla" томлари оддий қурилиш материалларини имитация қилувчи турли рангларга эга ва 100 фоизгача электр энергиясини тежашга имкон беради.

"Tesla" бундай томларнинг нархини маълум қилди ва уларга буюртмалар олмоқчи. Компания электр энергияси тўплай олувчи қуёш черепицаси ўрнатилган томларга умрбод кафолат бериб, том ва аккумулятор батареяларга улар ўрнатилган уй тургунча хизмат кўрсатишини ваъда қилмоқда.

ШАҲАР АЙИҚЛАР "ҲУЖУМИ"ГА УЧРАДИ

Руминиянинг Брашов шаҳрида қўнғир айиқлар шаҳар аҳолисидан озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирламоқда, деб хабар берди "Би-би-си".

Европадаги қўнғир айиқларнинг тахминан 60 фоизи Руминияда яшайди. Шунинг учун кўчада айиқни учратиш одатий ҳол.

Маҳаллий аҳолининг сўзларига кўра, айиқлар одамларга тажовузкорлик кўрсатмаётган бўлса-да, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетмоқда. Фуқаролар бундан албатта, хурсанд бўлгани йўқ ва ҳукуматни муаммога тезроқ ечим топишга чақирмоқда.

ЛАЙНЕРЛАР МАСОФАДАН БОШҚАРИЛАДИ

2025 йилга бориб йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи самолётлар ҳайдовчисиз парвоз қилиши мумкин. "Коммерсант" нашрига кўра, соҳа вакиллари шундай хулосага келишган.

Масофадан бошқарилувчи лайнерлар ҳаракатининг йўлга қўйилиши натижасида компаниялар йилига 35 миллиард доллар тежаш имконига эга бўлади. Бунда, биринчи навбатда, учувчилар маоши билан боғлиқ харажатлар сезиларли даражада қисқаради.



Агар ихтиро амалиётда қўлланилса, йўловчилар учун ҳам маълум маънода қулайлик туғилади. Чунки, парвознинг автоматлашуви чипталар нархининг 10 фоизга арзонлашишига олиб келади. Тўлиқ автопилот технологияси устида Boeing компанияси иш олиб бормоқда. Компания учувчининг ўрнига сунъий интеллект дастурий таъминотини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Усмон АБДУРАСУЛОВ тайёрлади.

Рангин дунё

ИККИТА КЛУБ ФАХРИГА АЙЛАНГАН ЎЙИНГОҲ

Италиядаги машҳур "Жузеппе Меацца" стадиони "Дуомо" черкови ҳамда "Ла Скала" театри сингари Милан шаҳрининг чинакам рамзига айланган. Ушбу ўйингоҳда шаҳарнинг "Милан" ҳамда "Интернационале" футбол жамоалари ўзларининг мезбон сифатидаги ўйинларини ўтказади.



Стадиондаги илк ўйин 1926 йилнинг 19 сентябрида "Милан" ҳамда "Интернационале" жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви доирасида ўтказилиб, унда меҳмонлар 3:6 ҳисобида ғалаба қозонади. Италия чемпионати доирасидаги илк ўйин ўша йилнинг 6 октябрида ташкил этилиб, унда "Милан" бу сафар "Сампьердаренезе" жамоасига 2:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

1934 ва 1990 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари, 1965 йили "Интер" — "Бенфика", 1970 йилда эса "Фейнорд" — "Селтик" жамоалари ўртасидаги Европа чемпионлар кубоги финаллари ҳам шу стадионда ташкил этилган. Бундан ташқари 2001 йилда Германиянинг "Бавария" ҳамда Испаниянинг "Валенсия", 2016 йилда Мадриднинг "Реал" ҳамда "Атлетико Мадрид" жамоалари ўртасидаги Европа чемпионлар лигасининг финал учрашувлари ҳам шу майдонда бўлиб ўтган.

Спорт иншооти қурилиши ўзига хос тарихга эга. Ўйингоҳни қуриш ишлари 1925 йилда бошланиб, 1926 йилнинг 19 сентябрида якунланган. Бунинг учун 5 миллион итальян лираси сарфланган. Меъморлар Улиссе Стаччини ҳамда Альберто Кужини бошчилик қилган, ўн уч ой давом этган қурилиш ишларига атиги 120 қурувчи жалб қилинган. Стадионнинг илк номи — "Сан-Сиро" маҳаллий черков номидан олинган. Ўша вақтдаги ўйингоҳ тўрт томошагоҳдан иборат бўлиб, 35 минг мухлисни сиғдирган. Спорт иншоотини барпо этиш учун 10 тонна цемент, 3,5 минг куб метр қум ҳамда 1,5 минг тонна металл конструкция сарфланган. Ўша пайтда стадион фақат "Милан" клубига тегишли эди.

1938-1939 йилларда стадионда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, унинг ўриндиқлари сони 55 мингтага етказилган. Бунинг учун 5,1 миллион лира сарфланган. 1947 йилда "Интер" клубининг "Arena Napoleonica" деб номланган стадиони замон талабларига ва жамоанинг мавқеига тўғри келмай қолгани боис Милан шаҳрининг икки клуби — "Милан" ҳамда "Интер" "Сан-Сиро" стадионига бараварига эгалик қилишга ва унда мезбон сифатидаги ўйинларни ўтказишга келишиб олишади. Бироқ бунинг учун стадионни янада кенгайтириш талаб этиларди.

Бу орада стадион вақтинча ўз фаолиятини тўхтатади, қайта таъмирлаш ишларидан сўнг 1955 йилда яна иш бошлайди. 1954-1956 йиллар оралиғида ўйингоҳнинг иккинчи қавати барпо этилади ва у ўз бағрига 82 минг мухлисни сиғдириш имкониятига эга бўлади. 1957 йилда стадионга замонавий ёритгичлар, кейинчалик электрон табло ҳам ўрнатилади.

1979 йилда стадион 1934, 1938 йилларда Италия терма жамоаси сафида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган, ўз вақтида Милан шаҳрининг иккала клуби сафида ҳам фаолият кўрсатган афсонавий футболчи шарафига "Жузеппе Меацца" деб қайта номланади. 1990 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати Италияда ўтказилиши муносабати билан стадионда яна бир бор таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шу боис спорт иншоотининг учинчи қавати ҳам қурилиб, унинг ташқи томонида ҳашамдор 11 минора ўрнатилган.

Айни пайтда ўйингоҳнинг нуфузли меҳмонлар учун мўлжалланган ўринлари сони 5,2 мингтани ташкил этади. Стадион автотураргоҳи 4 минг автомобилни сиғдира олади. Мазкур аренада футбол музейи ҳам мавжуд. Унда Италия ҳамда Европа футболига оид уч мингдан зиёд экспонатлар, жумладан, "Милан" ҳамда "Интернационале" жамоалари томонидан қўлга киритилган кубоклар, медаллар, мукофотлар ва бошқа буюмлар сақланади.

Ўйингоҳда турли концерт томошаларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Хусусан, 1980 йилнинг 27 июнь куни таниқли ямайкалик қўшиқчи Боб Марли, кейинчалик Мадонна, Майкл Жексон каби дунёга машҳур хонандалар, "U2", "Rolling Stones", "Depeche Mode" сингари гуруҳлар ўз концерт дастурларини намойиш этган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Маънавият масканида бир кун

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Китоб инсон ақлини чархлайдиган, уни маънавий камолот сари етаклайдиган бебаҳо бир воситадир. Мамлакатимизда ёш авлод ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий аҳамиятга эга адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам ушбу ҳужжат ижроси доирасида китобхонликни оммалаштириш, миллий ва жаҳон адабиётининг юксак бадиий асарларини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, замонавий электрон кутубхоналар фаолияти такомиллаштирилаётир.

Бугунги кунда Термиз шаҳрида Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида кутубхоначилик тизимида бой тажриба тўплаган кирққа яқин ходим хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда кутубхонани янги ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш, вақтли матбуот нашрларига обуна қилиш, китоб жамғармасини янги адабиётлар билан бойитиб бориш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётир.

— Бугун Интернет ва бошқа коммуникация воситалари жадал ривожланаётганига қарамай, инсоннинг онгу тафаккурини чархлаш, маънавий оламини бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда китобнинг ўрни сақланиб қолмоқда, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи Меҳринисо Маматқулова — Халқимиз, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқиши кучайиб бораётгани фикримиз исботидир. Албатта, соҳага илғор тажрибаларни жорий этиш, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётлар чоп этиш, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини китоблар билан таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Марказга келган адабиётлар, аввало, ахборот-библиография бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, улар ҳақидаги маълумотлар корхона-ташкилотларга етказилади, бу жараёнда таълим масканларида, маҳаллаларда китобхонликни тарғиб этиш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, китобхонлик тарғиботини кучайтириш мақсадида ҳар ойда таниқли ижодкорлар, адабиёт ихлосмандлари ва ёшлар иштирокида навоийхонлик кечалари, янги китоблар тақдимотини ўтказишдек яхши анъана мавжуд. Яқинда марказ ходимлари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси ва шошилинч тез тиббий ёрдам марказларида кўчма кутубхоналар ташкил этди.

Ахборот-кутубхона марказида фондни ҳисобга олиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун ҳар бир китобхон вилоятнинг қайси тумани ёки қишлоғида бўлишидан қатъи назар, Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ресурсларидан унинг www.termiziy.uz сайти орқали кенг фойдаланиши мумкин.

— Илм-фан, технология юксак даражада ривожланган давлатларда ҳам одамларда китоб мутолаасига бўлган қизиқиш ва талаб сўнмаган, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази бўлим мудири Фазилат Абдураззоқова. — Дарҳақиқат, ўқимаган одам ҳаётда орқада қолади, аниқроғи, тараққиёт тезлашган замонда кучли рақобатга дош беролмайди. Китоб инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказувчи, уларнинг қалбида Ватанга садоқат, миллий, умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтирувчи беқиёс воситадир.

Хизматлар сифатини янада ошириш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлигини билиш мақсадида яқинда ахборот-кутубхона маркази ресурслари фойдаланувчилари ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди. Унга кўра, иштирокчиларнинг аксарияти истиқомат қилаётган ҳудудларида китоб дўконининг камлиги боис асосан ахборот-кутубхона имкониятларидан фойдаланишини билдирган.

Марказ маъмурияти мазкур сўров асосида ўз иш фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиб, китобхонлар учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аждодлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, мағзи тўқ маълумотлар билан қондириш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга. Бундан кўзланган асосий мақсад — ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш.

— Бугун муассасамиз китоб фонди қарийб 234 минг нусхани ташкил этади, — дейди ахборот-кутубхона маркази илмий-услубий бўлим мудири Елена Усмонова. — Жорий йилнинг биринчи ярмида кутубхонадаги 6 минг номдаги китобнинг электрон каталоги яратилди. Албатта, бу етарли эмас. Шу боис вилоятдаги мавжуд ахборот-ресурс марказлари билан келишув асосида китоблар алмашинувини йўлга қўйсак ва бунга мутасадди ташкилотлар яқиндан кўмак беришса, бу билан ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшган бўлардик.

... Ўқув заллари ўз олдига улкан мақсадлар қўйган ёшлар билан доим гавжум.

— Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, инсоният яратган энг ноёб, энг бебаҳо бойликлардан бири бу китобдир, — дейди термизлик Гулжаҳон Келдиёрова. — Китоб билан дўстлашган инсоннинг фикри теран, иродаси мустаҳкам бўлади. Ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқур англайди. Баъзан давраларда китобхонлар камаяиб кетаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалинади. Бу фикрга қўшилмайман. Ҳозир ҳам китобхонлар кўп, аммо китоб дўконлари камаяиб бораётгандай.

Дунёда "оммавий маданият" ниқоби остида ҳар хил ёт ғоялар ёшлар тафаккурига жиддий таҳдид солаётган бир пайтда уларнинг эътиқодини мустаҳкамлаш, келажагимиз эгаларининг маънавий баркамоллигини таъминлаш ҳақида ўйлашимиз, зарур. Бу борада, аввало, бадиий адабиётга таяниб иш кўриш лозим. Болаларга мос адабиётларни қаердан харид қиламиз? Албатта, китоб дўконидан. Бунинг учун жойларда китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш керак.

— Таълим ва тарбияни ўзида мужассам этган китобхонлик инсонларнинг билимини юксалтиришга, маънавий камолотига хизмат қилади, — дейди ахборот-кутубхонанинг доимий аъзоси Фаррух Зарипов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бу борадаги вазият ҳам бутунлай ўзгарди. Шундай экан, китобхонлик ва мутолаага қизиқиш ҳар кунги юмушимиз бўлиб қолмоғи лозим. Токи, ёш авлод бундан ибрат олсин, келажагини илм ва маърифатда, деб билсин.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish"мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

АНЖИР — МИНГ ДАРДГА ДАВО



Анжир тутдошлар оиласига мансуб субтропик мева бўлиб, таркибида қанд, пектин моддалар, клетчатка, кўплаб микро ва макроэлементлар мавжуд. Таркибидаги калий, натрий ва оқсил бўйича у ёнғоқ ва ўрик билан рақобатлаша олади. Тўйимлилик даражаси эса гўштникидан кам эмас.

Анжир дарахти 150-200 йилгача яшайди. Бир тупидан 50 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Барги узум ва меваларни куритишда ишқор ўрнида, "сути" эса тери касалликлари (сўгал, темиратки)га, чаён ва ари чақканда даво мақсадида ишлатилади.

Анжирдан табобатда қадимдан кенг фойдаланилган. Унинг меваси қайноқ сув ёки сутда дамлаб истеъмол қилинса, йўтал, томоқ оғриғини даволашда яхши самара беради. Мағзи эса тана ҳароратини туширади, терни ҳайдаш хусусиятига эга. Қора анжир бод касалида ёрдам беради. У эчки сути билан биргаликда қайнатиб истеъмол қилинса, организмни зарарли моддалардан тозалайди ҳамда иммун тизимини мустаҳкамлайди. Бу тансиқ мева ўпка сили, мушакларнинг ҳолсизланиши каби хасталикларда ҳам энг яхши даво ҳисобланади.

Ушбу мевада олмага нисбатан темир моддаси кўп. Шу сабаб камқонлик билан оғриган беморларга анжир истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунингдек, юракнинг тез уриши, бронхиал астма (зиққинафас), кўкрак оғриғи, ўпка пардаси яллиғланиши (плеврит)да ниҳоятда фойдали. Қуритилган анжир ич суриш хусусиятига эга. Унинг шарбати эса болалар учун қувват бағишловчи дармондори саналади. Мазкур шарбат иштаҳани очиб, овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Бундан ташқари, ревматизм (бод), тери касалликлари, буйрак ва қовукда тошлар пайдо бўлганида, жигар ҳажми катталашиб, оғриқ берганида анжир шарбатини ичиш яхши самара беради.

Анжир моддасининг ферменти фицин фибринин (қон ивишида ҳосил бўладиган оқсил моддаси)ни эритиш хусусиятига эга. Шу сабаб уни қон томирида тромб ҳосил бўлишига мойил ҳамда тромфоблебит касаллиги билан оғриган беморларга доимий равишда истеъмол қилиш тавсия этилади. Анжир юрак касаллигига ҳам даво. Унда юрак фаолиятини яхшилайдиган калий тузи мавжуд. Унинг баргидан пособран номли доривор восита тайёрланади. Бу малҳам теридаги оқ доғлар (витилиго) ҳамда бошқа тери касалликларини даволашда қўлланилади. Баргидан олинадиган фурален дори воситаси терининг замбуруғли хасталиклари, соч тўкилиши ва оқ доғларда фойда беради.

Анжир гарчи бир қанча ижобий хусусиятга эга бўлса-да, лекин уни ҳаммага ҳам тавсия этиб бўлмайди. Хусусан, семизликка мойил инсонлар, қандли диабет билан оғриган беморлар анжирни кўп истеъмол қилмагани маъқул. Чунки, унинг таркибида кўп миқдорда қанд моддаси мавжуд. Шунингдек, анжирда кўп миқдорда оксалат ва шовул кислотаси борлиги сабаб буйрак-тош ҳамда меъда-ичак касаллиги билан оғриган беморларга ҳам уни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Жирафа — қон босими энг юқори жонивор.
- Буқалар ранг ажрата олиш хусусиятига эга эмас.

ТУРФА ОЛАМ

СВЕТОФОР ҚУЁШ БАТАРЕЯСИДА ИШЛАЙДИ



Москвада электр энергия манбаларисиз ишлайдиган илк светофор ўрнатилди. Бу ҳақда "novovest.ru" хабар тарқатган.

Мазкур светофор қуёш батареясида ишлайди. У айни пайтда Москва шаҳридаги бир нечта кўчалар кесишмасида ҳайдовчи ва йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Светофор тўлиқ автоматлаштирилган. Батарея қуёшдан ҳатто булутли кунда ҳам қувватлана олади. Аккумуляторга тўпланган энергия уни тунги вақтда ҳам тўлиқ ишлашини таъминлайди.

Москва шаҳри йўл ҳаракатини ташкиллаштириш марказининг маълумотига қараганда, ушбу светофорга кетадиган сарф-харажат амалдагисиникига нисбатан анча кам. Улар биринчи навбатда оддий светофорларни ток манбаига улаш қийин бўлган жойларда ўрнатилади.

"АҚЛЛИ" ПОЙАБЗАЛ

Хитойнинг "Xiaomi" компанияси MIJIA бренди остида "ақлли" кроссовкаларни ишлаб чиқарди, дейилади "gizmochina.com" сайтида.

"Free Tie Leather" деб номланган чарм кроссовкалари фитнес-ҳисоблагич ва Bluetoothга эга. Спорт пойабзалини улар ёрдамида Android ва iOS бошқаруви остидаги смартфонга улаш мумкин. "Ақлли" кроссовкалар учун Mi Smart Home иловаси яратилган. Фойдаланувчи илова ёрдамида калориялар, босиб ўтилган масофа ва қадамлар сонига доир маълумотларни олиши мумкин.

Кроссовкалар оқ ва қора рангда сотувга чиқарилди. Уларга "home.mi.com" сайтида буюртма бериш бошланди. Нархи — 30 доллар.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Реклама

"CASTLE ROCK TRADE" МЧЖ жамоаси

Барча ватандошларимизни

Истиқлолимизнинг 26 йиллиги

билан табриклайди.

Озод диёримиз мусаффо осмони узра
ҳуррият қуёши тоабад нур сочиб тураверсин.



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

маҳсулот сертификатланган

Газетанинг навбатдаги сони 13 сентябрь, чоршанба куни чиқади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN.
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 5175. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.30. Топширилди — 23.50.
ISSN 2010-7714
1 772010 771003
123 56